

МАТН ГРАММАТИКАСИДА ЯХЛИТЛИК ТУШУНЧАСИ

Саидова Муҳайё Умедиллоевна

*Бухоро давлат университети,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)
(m.u.saidova@buxdu.uz)*

Тўхтаева Мунира Омоновна

*Бухоро давлат университети магистранти
(e-mail: muniraomonovna@gmail.com)*

Жумаева Гулрухсор Эркин қизи

Бухоро давлат педагогика институти талабаси

Таянч сўз ва сўз бирикмалари: *микроматн, тема, рема, гипертема, занжирсимон алоқа, муштарак асос, гандан йирик бирлик, мураккаб синтактик бутунлик, матн, матн лингвистикаси, матн грамматикаси, мазмуний, коммуникатив ва зоҳирий яхлитлик, микроматн, макроматн, жумла, импликация, кесимлик, референция, макропропозиция, тема-рематик занжир, коммуникатив мақсад, анафорик ва катафорик алоқа, пропозиция, релятив структура, монологик ва диалогик нутқ, ўзга нутқ.*

Ключевые слова и словосочетания: *сверхфразовое единство, сложное синтаксическое целое, текст, лингвистика текста, грамматика текста, семантическая, коммуникативная и структурная целостность, микротекст, макротекст, высказывание, импликация, предикативность, референция, макропропозиция, тема-рематическая прогрессия, коммуникативная целеустановка, анафорическая и катафорическая связь, пропозиция, релятивная структура, монологическая и диалогическая речь, чужая речь.*

Key words: *the large unit, complex syntactic integrity, text, text linguistics, text grammar, semantic, communicative and structural integrity, micro-text, macro-text, clause, implication, predicate, reference, macro-proposition, theme-rhematic progress, communicative target, anaphoric and cataphoric connection, proposition, relative structure, monologue and dialogic speech, strange speech.*

Мақолада хорижий тилишуносликда матн лингвистикаси ва матн грамматикасининг шаклланиши, матн грамматикаси яхлитлиги шунингдек микроматн деб қараладиган монологик, диалогик ҳамда ўзга нутқнинг лисоний-нутқий хусусияти ҳақидаги қарашлардан айрими қисқача шарҳланади.

В статье коротко излагаются некоторые точки зрения, существующие в зарубежной лингвистике, относительно становления лингвистики текста, грамматики текста, а также особенности монологической, диалогической и чужой речи, рассматриваемых в качестве микротекста.

The article deals with the process of forming of text linguistics and text grammar in foreign linguistics, totaling of text grammar, also interpretation of some opinions on micro-text interpreted as

monologic and dialogic speeches including linguistic-communicative features are discussed in the work.

Кириш. Матн атамаси рус ва немис тилларида *текст (Text)*, англиз ва француз тилларида *дискурс (discourse, discours)* деб аталади. Шуни таъкидлаш жоизки ушбу атама тилшуносликда бир-биридан фарқ қиладиган икки хил бирликка нисбатан ишлатилади. Матн деганда бир жиҳатдан сўзловчи нуқтаи назаридан тугалланган фикр ифодаляйдиган бир ёки бир неча гап тушунилади; иккинчи жиҳатдан қисса, роман, илмий асар, ҳикоя, газета, журнал мақоласи, турли хил ҳужжат кабилар назарда тутилади: Фикр ифодаляйдиган битта сўздан тортиб ўн жилдлик асаргача матн ҳисобланади. Асарнинг боб, параграф ва абзаци ҳам матн деб қаралади.

Асосий қисм. Матннинг мазмуний яхлитлиги ундаги *мазмуний асос* яъни *теманинг* битталигида ўз ифодасини топади. Микроматн темаси деганда биз унинг мазмуний ядроси яъни бутун матнга хос умумлашган мазмунни тушунамиз деб ёзади Э. Агрикола. В.Дреслернинг фикрига кўра микроматн темаси аксинча унинг таркибидаги гаплар темасининг арифметик йиғиндисидан ҳосил бўлади. О.Москальская биринчи нуқтаи назар тарафдори бўлганидан кўйидаги микроматн темаси битта, у биринчи гапда ифодаланган; иккинчи гап алоҳида хабар эмас, у биринчи гапдаги теманинг мазмунини ойдинлаштиради яъни Марселнинг елкасидаги оғриқ сабабини билдиради деб ҳисоблайди: (1) *Marcel woke up with excruciating pain in his shoulder.* (2) *Burger Busot had put him on the wrong side (Bredel).*

Гап микроматн таркибига кирмай битта ўзи хабар билдирса яъни гап-жумла (предложение-высказывание)дан иборат бўлса алоҳида темага эга бўлади. Микроматн таркибига кирса юқорида айтилганидек микроматннинг умумий яхлитлигини ифодалашда иштирок этади.

Микроматннинг мазмуний асоси кўпинча темага доир *очқич сўзларнинг такрорланиб келишида* ўз ифодасини топади. Бу дегани микроматнда референт (борликдаги мавжудот) битта бўлиб айни бир атоқли, турдош от ё уларнинг луғавий маънодоши ёки улар ўрнида қўлланувчи олмош орқали ифода этилади. Бундай ҳолда референт вазифасида айни бир шахс, ҳайвон ёки нарсаси келади.


Микроматннинг мазмуний яхлитлигини ҳосил қилишда импликация ҳам иштирок этади. Бунда микроматн таркибидаги гапларнинг мазмунан алоқаси, боғлиқлиги вазият (ситуация) ёки бутун-қисм муносабатига боғлиқ бўлади. Бундай алоқа натижасида очқич сўз билан бирга яна бошқа мавжудот ёки вазият тақазо этилади.

Очқич сўз қўлланмаганда мазмуний асос (тема)нинг яхлитлиги микроматн қисмларининг умумий мазмунидан ҳосил бўлади: *s*). Ушбу микроматн темасини ёзги куёшли кун деб атаса бўлади. Бунга унинг таркибидаги табиат тасвири акс этган гапларнинг мазмунини умумлаштириш имкон беради.

Матннинг коммуникатив яхлитлиги ундаги таркибий қисмларнинг узвийлиги яъни кетма-кет занжирсимон алоқасидан иборат. Микроматн таркибидаги ҳар бир кейинги гап нутқий (коммуникатив) жиҳатдан ўзидан олдинги гапга таяниб ахборотни давом эттиради. Натижада тема-рематик занжир ҳосил бўлиб унинг ниҳояси микроматн чегарасини билдиради. Шундай қилиб тема-рематик занжир матн ҳосил қилиш вазифасини бажаради. Бу вазифа бир гапли матнга ҳам бирдан ортиқ гапли матнга ҳам хос. Айни пайтда мазкур вазифанинг гап синтаксиси эмас, матн синтаксисига хослиги алоҳида таъкидланади.


INTEGRATION OF PRAGMALINGUISTICS, FUNCTIONAL TRANSLATION STUDIES AND LANGUAGE TEACHING PROCESSES

Микроматн ҳосил қилувчи занжирсимон алоқа бир неча андоза (қолип, модел)га эга. Бу андозалар немис тили материали асосида Ф.Данеш томонидан, рус тили материали асосида Г.Я.Солганик томонидан тасвирланган. Кўпинча микроматн таркибидаги олдинги гап ремаси кейинги гапда темага айланади. Унинг чизмаси шундай:




Г.Я.Солганик бу қолипни кесим орқали боғланиш, алоқа деб атайти.

Тема-рематик занжирнинг иккинчи қолипида таянч хабар (тема) такрорланади, янги хабар (рема) ҳар қайси гапда алоҳида бўлади. Бунинг чизмаси шундай:




Бу қолипни Г.Я.Солганик субъект воситасида алоқа, боғланиш деб номлайди.

Бир неча қаҳрамон тасвирланган сюжетли матнда ушбу қолип мураккабланиш тарзда воқеланади. Бундай матннинг темаси иккита бўлиб икки қатор ҳосил қилади. Иккинчи қаторда ҳам биринчи қатордагидек ҳар қайси гапнинг ремаси алоҳида бўлади:




Бу қолипга қуйидаги микроматн мисол бўлади: *We distributed leaflets; there **he** was shot; we dragged **him** home; **he** died in secret so no suspicion would fall on anyone.* Учинчи қолип шундан иборатки микроматнда битта муштарак асос (*гипертема*) ва унга боғлиқ бир неча хусусий тема бўлиб ҳар қайсисининг ремаси алоҳида бўлади:



Ф.Данеш қўллаган хусусий тема О.Москальская баён қилган импликация тушунчасига жуда яқин.

Муштарак асос (*гипертема*) гапдан йирик бирликнинг бошланишида келиши мумкин. Бундай ҳолда тема-рематик занжир қуйидагича кўринишга эга бўлади:



Битта микроматнда мазкур қолиплардан фақат биттаси эмас, икkitаси ёки учаласи биргаликда ифодаланиши мумкин. Бундай ҳолда микроматнда гап сони кўп бўлиб унинг чизмаси ҳам баёни ҳам мураккаб тус олади.

Хулоса. Хорижий тилшуносликдаги матн грамматикаси, микроматннинг мазмуний ва коммуникатив яхлитлиги хусусида мавжуд фикрлардан ўзбек тилшунослигида деярли ўрганилмаган матн грамматикаси ҳамда микроматнни тадқиқ қилишда фойдаланса бўлади.

Адабиётлар:

1. Зикриллаев Ғ. Рух ва тил.-Т. Фан, 2018.-464 б.
2. Dijk T.A. Van. Some Aspects of Text Grammars. The Hague-Paris, 1972.-155p.
3. Schendels E. Deutche Grammatik. Morphologie. Syntax. Text. Moskan, Visschaya shkola, 1981.
4. Москальская О.И. Грамматика текста. Москва, "Высшая школа", 1981 -184 с
5. Moskalskaya O. Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. М. , 1975.-384 s.
6. Boot K. Der deutsche Satz. Die Satzverflechtung. Deutschunterricht, 1949, Heft 3.S.5-10.
7. Brinkmann H. Die deutsche Sprache. Gestalt und Leistung. 2. Auflage. Dusseldorf, 1971.-455 S.
8. Saidova Mukhayo Umedilloevna "The History of the Emergence and Development of the Concept of Text in Foreign Linguistics" Vol. 1 No. 5 (2022): Vital Annex : International Journal of Novel Research in Advanced Sciencesment of the Concept of Text in Foreign Linguistics".
9. Saidova Mukhayo Umedilloevna (2019). Lexical Stylistic Devices and Literary Terms of Figurative Language. International Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE) ISSN, 22773878. [https://www.ijrte.org/wpcontent/uploads/papers/v8i3S/C10541083S19Saidova, MukhayoUmedilloevna \(2020\)](https://www.ijrte.org/wpcontent/uploads/papers/v8i3S/C10541083S19Saidova,MukhayoUmedilloevna(2020))
10. Mirzo Makhmudovich Tursunov. (2022). ANALYSIS OF SOME ENGLISH IDIOMS CONTAINING POPULAR PROPER NAMES. European Journal of Interdisciplinary Research and Development, 5, 62–67. Retrieved from <http://ejird.journalspark.org/index.php/ejird/article/view/98>
11. Tursunov, M. (2022). PROVERB AS AN ESSENTIAL LEXICAL UNIT REPRESENTING NATIONAL CULTURE AND IDENTITY. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 22(22). извлечено от http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/7961
12. Саидова, М. (2021). THE CONCISE OXFORD DICTIONARY OF LITERARY TERMS. ЛУЕАТИДАГИ ДРАМА АДАБИЙ ТУРИГА ХОС ТЕРМИНЛАРИНИНГ MAЗМУНИЙ ТАДЛИЛИ//ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 8(8).https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/4453
13. Umedilloevna, S. M. (2019). Lexical stylistic devices and literary terms of figurative language. International Journal of Recent Technology and Engineering, 8(3 Special Issue), 231-233.<https://www.elibrary.ru/item.asp?id=41817547>
14. Саидова, М. У. (2021). К. БОЛДИКНИНГ "АДАБИЁТШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ ОКСФОРД ЛУҒАТИ" ДАГИ ЯСАМА АДАБИЁТШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИ ТАҲЛИЛИ. МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА, 4(2). <https://tadqiqot.uz/index.php/art/article/view/3240>